

- Грамматикани ўргатайми ёки шеър?
- Шеър.
- Балки, иккаласини ҳамдир?
- Иккаласини ҳам.

*Гарчи тирногидан айрилса-да у,
Хеч нарса ўзгармас,
у яна арслон.
Арслонлар ичида улгайса-да ит,
Арслонга айланиб колмас хеч қачон.*

- Кимки бу шеърни ёддан билса, демак, у арслон, – деди отам.
- Бундан чикди, мен арслон эканманда.

Дадам маст бўлиб келганида кози ошнаси унга насихат ўқир, жавобини эса шеърини тарзда қабул қиларди. Ошнаси эса “Номаълум хазина”дан мисол келтирарди. Шундай кунлар бўлардики, кози билимини тўлдириш учун отамга эргашиб, ковокхонага йўл оларди.

— Чинакам арслон доимо маст юради, — дерди отам. — Азалдан шундай. Ичиб олса, кизиби турган чўгга айланиб, оғзидан ўтдек қарғиш ёғдиради. Кейин мўйлаби осилиб, сочлари оқаради. Вақт ўтиб, шамол чўғни алангалатгандек сочларидан сийпалайди...

— Лекин баъзида, — дерди онам, — ўзгача қайфиятда хушига келади. Шунда волидам отамнинг газабидан яширинарди.

Болалигимда мени жўжабирдай оилам даврасида кўрган киши, бу бола ёзувчи ёки хеч бўлмаганда, адабиёт шайдоси бўларди, деб ўйлаши турган гап эди. Агар мени қайси тилда ёзишимни сўрашса, у киши: “Албатта, ота-онаси, бобокалонлари сингари араб тилида”, — деган бўларди. Балки у ҳақдир: шеърини, шубҳасиз, она тилимдаги манбалардан ўрганардим.

Отам Куръон шарҳлари ёки мусулмон фарзлари билан шугулланаётиб, шеърини йўсинда сўзлар, онам ҳам шу услубда жавоб қайтаришга одатланиб қолганди. Бирок онам театр учун тугилган эди. Қандай тушунтирсам экан?.. Унинг бир ўзи бутун бошли театр эди. Отам судга кетганида мен ягона тингловчи бўлиб қолардим. Суднинг натижасига қараб, отам шод ёки гапнинг қайфиятда қайтарди.

Онам буюк актриса бўлиши мумкин эди. Бир куни менга вокзални кўрсатиб берди. Икир-чикиридан тортиб шовкин-суронларига. Паровозга ўхшаб хуштак қалди. Бу аёл — умрбод такводорлик йўлини тутганидан саёхатни ёқтирадиган, фидоий инсон эди... “Поезд” ортидан чошиб, қичқирардим: “Тўхта, мени ҳам олиб кет!”

Биз жазоир-тунис чегарасидан унча узок бўлмаган Садратда кун кечирардик. Менинг энг гала-говур, ёркин хотираларим ана шу даврга тааллуқли. Ўша пайтларда бахтиёр эдим.

Мадрасанинг вақтинчалик “меҳмон”и эканман, ҳаммаси яхши кетарди. Кўплаб тушунарсиз шеърларни ёд олиб, хурмат тахтачасига илиндим. Бошқа билимларни ўзлаштирмай, шу билан кифоялансам бўларди, ўртамиёна, ўзига тўк шоир ёки зим-зиё ховуздаги балик каби. Хайхот, мени умри аквариум ёки товада тугайдиган ўша машхур гулмохининг бўронли хаёти кутарди. Аммо мен унганча кўл бўйидаги итбалик эканман, унинг ҳам сувда, ҳам курукликда яшайдиган турининг тунги рангларидан фахрланардим.

Менга толиблик ёкмасди. Етти ёшга тўлганимда, бошқа кишлокка ўтганимизда (биз тез-тез саёхат килардик, тўгрироги, кўчиб юрардик: мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас экан), отам пайсалга солмай, мени “Бўрилар коми”, яъни француз мактабига беришга қарор қилди. Ўз хошишига қарши бўлса-да, буни изохлади:

— Араб тили билан узокка боролмайсан. Сен ҳам мадраса қурбони бўлишингни истамайман. Бу тилни бошқа пайт ҳам ойинг икковимиз ўргатаверамиз. Хамма ёқда француз тили. Ёшлигингда нимаики уқтирган бўлсак, барини унутиб, бу тилни ўзлаштиришинг шарт. Французчани ўзингга сингдириб, арабча билимларингни бамайлихотир тиклай оласан.

Отам тахминан шундай деганди. Ўшанда бунга ўзи ишонганмикан? Онам хўрсинди. Янгича фанларни ўрганишга киришиб, ёлғиз ўзим дарс тайёрлаб ўтирарканман, волидам тинчини йўқотиб, уй ичида изгирди. Алвидо, дунёда ягона театр... Драманинг тугуни яқинлашиб қолганди.

Бошида кийин бўлса-да, кейинчалик бу чет тилини ёктириб қолдим, муаллимимиздек бемалол гапирадиган бўлдим.

Онамнинг дили “хиёнатим”дан ранжиганди. Шу кўйи мени китобдан алахситганлари эсимда:

— Бетоб бўлиб қолмагин яна! — дердилар.

Бир куни кечаси у мулойим, аммо маъюс холда:

— Мен сени янги дунёингдан қалгитмаслигим лозим. Менга ҳам французчани ўргат... — дедилар.

Шундай қилиб янги қоннинг тузоги заиф илдизларимга болта уришга улгурди. Ўша қонлардаги ахмоқона такаббурликларимни эсласам, ўзимдан уялиб кетаман. Она кўлида француз журнали билан ўглининг столи рўпарасида сукут сақлаб ўтирарди. Қаҳри қаттиқ мактаб боласи эса ундан жим ўтиришни, нима деса шуни ортидан қайтаришни талаб қилади...

Шундай кейин қалбимда фарзанд ва она ўртасидаги бегоналикни хис қилдим. Биратўла ўз она тилимни ҳам, онамни ҳам бой бераётган эдим!

Орадан йигирма беш йил ўтди. Қохирадаман. “Ал-аҳрам” рўзномасининг муҳаррири қўлимга журнал тутқазди: ливанлик шоир китобимни ўз она тилимга ўгирибди. Мен эса бу тилда исимимни аранг ёза оламан.

Аждодларимнинг тили менга нисбатан шафқатсиз бўлиб бораётганди, гўё. Ибн Арабийнинг оламшумул шеърлари қутилмаганда мен учун янги маъно, фалсафа қашф этиб бораётганди:

О, қандай қаромат!

Бу олов ичра бўстон.

Қар нега қодир турар,

Вужудимда урган жон...

Бахтсизлик ичидаги бу аламли ва заиф юксалиш, аланга ичидаги бўстон — дарбадарликда, француз тилида коғоз коралаётган жазоир шоирининг бошпанаси мана каерда экан — бўрилар комида.

Рус тилидан Саиджалол Саидмуродов таржимаси